


IX

ЎЛМАС РАСУЛОВ

АНЪАНАВИЙ
ХОҲАНДАЛИК
ЎҚИТИШИ
МЕТОДИКАСИ



IX
p24

ЎЛМАС РАСУЛОВ

АНЪАНАВИЙ ХОНАНДАЛИК ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

*Муסיқа, санъат, маданият олий ўқув юртлири
ва муסיқа факультетлари
учун ўқув услубий қўлланма*



Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент — 2006

Ушбу уқув услубий қўлланма Ўзбекистон давлат консерваторияси илмий Кенгашининг 2006 йил 21 апрел, 4-сонли йиғилишида муҳокама қилинди ва нашрга тавсия этилди

Масъул муҳаррир:

Соибжон БЕГМАТОВ

Санъатшунослик фанлари номзоди, доцент.

Тақризчилар:

Маҳмуджон ТОЖИБОЕВ

Ўзбекистон халқ ҳофизи

Ботир МАТЕҚУБОВ

Санъатшунослик фанлари номзоди, доцент.

© Ўлмас Расулов, 2006 й.

КИРИШ ҲУРИДА

«Овоз талқинидаги синоатлар...»

Муסיқа ижрочилик санъати азал-азалдан ўзининг сирли дунёси билан тингловчиларни лол қолдириб келган. Бу ҳайрат оҳангларнинг турли ҳолатларга мос келишида, тушкунликларга ечим топишида, ҳасталикларни даволашида, дунёнинг ажойибот оламини идроклашида ҳамда доимо тетиклик билан хуш кайфиятда юришларида ўзини намоён этиб келган. Шу боис бўлса керак ҳазрат Навоий ўзининг «Маҳбуб-ул қулуб» асарларида «Руҳ хуш овоздан озуқа Кўнгил қувват олади» деб бежиз айтмаганлар.

Муסיқанинг сеҳри оҳангда. Оҳангнинг сиру синоатлари эса чолғуда. Чолғунинг мўъжизаси, албатта ижрочидадир. Бир чолғуни икки ижрочи ҳеч қачон ўзидек бир хил тараннум эттира олмайди. Зеро, тараннум кишининг қалби билан туташади ва ўз дардини оҳангларга улайди. Муסיқа дунёсида инсоннинг овози энг мукаммал чолғу эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Демак, ижрочиликнинг энг ранг-баранг ва расо ҳолати овоз талқинида ифода этилиши муқаррар ҳолдир. Ва қадим замонлардан овоз талқинидаги хонишлар турли йўналиш ҳамда услублар билан бойиб келган. Чунки бу жараёнда, яъни овоз талқинида миллат-элатларни, шева ҳамда ёш мезонларини ҳам аниқлаш қийин иш эмас.

Ўзбек хонандалик санъати жуда қадимий ва серқирралиги билан Шарқ халқлари маданияти

орасида алоҳида аҳамият касб этиб келган. Ўтмишдан оддий-оддий кўринишлардан мураккаб шаклларгача намуналар такомиллашиб, ривожланиб халқ орасида оммалашган. Ўзбек хонандалиги турли жанр ва шаклларга эга бўлса-да, мумтоз хонандалик санъати алоҳида аҳамиятга эга эканлиги барчага аён дидир. Мумтоз хонандалик санъати таркибидан айна пайтда, мақом ва мақом йўлларига хос ашулалар, дostonлар, катта ашулаю суворалар жой олган. Уларни ўзига хос, шаклига мос талқин этиш чиройли овоз, истеъдод, сабоқ ҳамда ижро ўқуви лозимдир. Ўтмишдан устоз санъаткорлар кекса ҳофизларнинг анъаналарини ўзлаштириб, устоз сабоғи ила куйлаб келган. Қолаверса, мумтоз хонандалик санъатида идроклаш лозим бўлган уч-тўрт амал тўлақонли, назарий ва амалий ўзлаштиришни тақозо этган. Булар, анъана ва мерос, нафас ишлатиш услуби, шеърят ва талаффуз ҳамда муносабат амалларидир. Бу омиллар хонандалик амалиётида чархланиб ўзлаштириладиган ҳолатлар эканлиги барчага маълум. Лекин, айна пайтда анъанавий хонандалик касби Ўзбекистон Республикаси Ўрта ва Олий таълим тизимларида ўқитилиб келинаётганлигини назарга оладиган бўлсак, шунга мос назарий ва амалий кўрсатмаларни ўзида ифода этган ўқув-услубий қўлланмалар лозим бўлишини эътироф этиб ўтишимиз ўринлидир. Европа овоз талқини омилларига бағишланган бир қатор дарслик ва услубий қўлланмалар бўлсада, ўзбекона овоз талқини услубларига бағишланган қўлланмалар ҳалигача деярли яратилмаганлигини эслатиб ўтиш лозимдир.

Тажрибали созанда, моҳир хонанда, устоз санъаткор Ўлмас Расуловнинг тақдим этаётган ушбу рисолаи айнан ушбу йўналиш бўйича ўқув тизимидаги қатор муаммоларга ечим топишда фойдали бўлган ишлардан бири сифатида хизмат

қилиши мумкин. Муаллиф анъанавий хонандаликни касб этишга бел боғлаган ҳар қандай овоз соҳибини, устозлар анъанасида ва мумтозлик даражасида тарбияланиши учун энг керакли маълумотларни кўп йиллик ўзининг тажрибаларидан келиб чиқиб алоҳида маслаҳат ва машқлар усулида талқин этади. Ўқитувчиларга ўқитиш услубиёти сифатида тавсия этаётган ушбу рисолада хонандаликда муҳим саналган: «Овоз танлаш ва тарбиялаш», «нафас» билан боғлиқ омиллар, «талаффуз мезонлари»нинг асосий моҳиятларини барчага тушунарли тилда баён этиб беради. Назарий маслаҳатларни асосли ва хонандалик унсурлари тақозо этадиган мутахассис нуқтаи назарлари доирасида, амалий машқларни эса, овоз тарбиялашда муҳим саналган усулларни назарга олган ҳолда, ҳамда нуқсонли овозларни тарбиялаш билан боғлиқ қимматли кўрсатмалар ва тавсиялар билан бойитади.

Овоз Аллоҳ томонидан деярли барчага ато этиладиган улугъ неъматлардан биридир. Зеро, улар орасида танланганлари сирли-жозибали овоз соҳибидирлар. Яъни сиру синоатли, тароватли, дардли ҳамда мунгли овозли хонандалардир. Одатда, инсон овози ўзгарувчандир. Шу боис, уни асраш йўлларини билиш яхши натижалар беради. Асраш учун эса, маълум табиий қоидаларга риоя қилиш лозим бўлади. Муаллиф уз тажрибасидан келиб чиқиб «овоз тарбиялаш» мезонларини биринчи бўлимда ёритади. Ишонarli ва босқичма-босқич ўташ лозим бўлган жараёнлар хусусида амалий кўрсатмалар тавсия этади. Бу жараён болалик чоғидан токи овоз мушакларининг мўтадил ҳолатга келгунга қадар ўташ лозим бўлган вақт билан чегараланади.

Анъанавий хонандалик касбининг нозик томонларидан бири бу – нафас билан боғлиқ мезонлар эканлиги хонандалар учун сир эмас. Моҳир

хонандалик даражасига эришиш учун бу жараён муҳимлигини муаллиф таъкидлаб, бир қатор ўзининг услубий тавсияларини баён этиб ўтади. Аслида нафас, хонанданинг забардастлигини англатувчи қуролидир. Шу боис, амалиётда ўпка, кўкрак қафас, қорин бўшлиқлари билан боғлиқ нафас ишлатиш услублари шунга мос келадиган намояндалар ҳақида фикрлар юритилиб келинади. Бу жараёнга илмий ёндошиб исботи билан идроклаб мулоҳаза қилиш учун амалий-ижровий кўникма бўлиши жуда муҳимдир.

Рисоланинг талаффуз хусусиятларига бағишланган бўлимида энг зарур бўлган маълумотлар жой олган. Мумтоз мусиқа шинавандаларининг бошқаларидан тублан фарқлаб турадиган нарса, бу сўзга ўта талабчан ва катта эътибор беришларида десам муболаға бўлмайди. Чунончи турдош ҳарфларни ўзгариши ҳам матн маъносига путур етказди. Амалиётда эса бурро талаффузли хонандалар доимо қадрланганлар. Шунининг олиб муаллиф, устоз-шогирд сабоқ услуби энг қулай ва асосли ўқитиш услубидир, деб ёзади. Унда устозларнинг оғзаки услубда келган анъанаси мужассам топган бўлиб, замонавий жараён давр тақозо этган тараққиёт мезонига амал қилади. Оғзаки анъана бу асос, лекин ўзма асос хотиранинг панд беришидан асрайди. Шу боис тарбиянинг тизимли шаклланиши доимо ўз натижаларига эга бўлиб келган. Кундалик машқ ўз ўрнида касбиёт талабидир. Сабоқ машқлари эса моҳиятли мақсадга асосланган бўлиши лозим. Шу боис, академик йўналишдаги хонандаларнинг тизимли ривожланиш учун яратилган хилма-хил машқ репертуарлари ишлаб чиқилган. Ўзбек мумтоз хонандалиги амалиётига мос келадиган шакллари ишлаб чиқилиши ўз самарасини беришига ишонамиз. Шу боис муаллиф томонидан хонандаларнинг ҳар ҳолатда дуч келадиган муаммоли тараннум масалаларини алоҳида ҳарфлар мисолида кўрсатиб берилган. Чунки, аниқ ва бурро талаффуз

хонанданинг ижродаги ўткирлик воситаси демакдир. Мумтоз адабиёт намуналарининг оҳанглардаги талқинида нотўғри талаффуз, маъно ва моҳиятга путур етказиши муқаррардир.

Ва ниҳоят овоз машқларининг ўзбек мумтоз мусиқа намуналарига асосланганлиги ҳам ижровий кўникмаларнинг замини сифатида хизмат қилиши бегумондир. Мумтоз хонандалар тарбиялаш учун тавсия этилаётган ўқитиш услубиёти бизнинг келажакимиз бўлмиш, сеҳрли овоз соҳибларига йўлбошчи сифатида хизмат қилишига шубҳа йўқдир. Фақат ундан фойдаланиш жараёнида устоз маслаҳатлари билан ҳамоҳанг иш юритилиши мақсадга мувофиқдир.

*Санъатшунослик фанлари номзоди,
доцент С.М.Бегматов*

ОВОЗ ТАНЛАШ ВА ТАРБИЯЛАШ

Анъанавий ижрочилигимизнинг гултожи — мақомлар ва улар асосида яратилган халқ ашулалари, бастакорлар асарларини Ўрта маҳсус ва Олий ўқув даргоҳларида таълим олаётган ёш авлодга ўргатиш, аниқроғи, уларнинг тафаккури, онгига сингдириш кундан-кунга долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Хусусан, анъанавий хонандалик фанини ўқитиш замирида мумтоз ашулаларнинг талаба руҳига таъсири, уларда пайдо қиладиган фикрий ўзгаришлар ва этик-эстетик ривожланишида яққол намоён бўлади. Таъкидлаш керакки, куйдан кўра ашулани тушуниш, идрок этиш анча осон кечади. Бунинг сабаби, ашулала ҳам бадиий, ҳам мусиқий матн мавжуд. Куйда эса фақат мусиқий матн бор бўлиб, уни талаба ҳис этиши ҳамда ана шу ҳиссиёт асносида тасаввур қилиши, ҳатто, тушуниши, идрок этиши мумкин. Аммо бу тушунчалару тасаввурларни сўзда ифодалаш бахти ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Ашулани тушунишда ундаги оҳангларига қўйилган шеърий матн бир қадар талабага ёрдам беради. Шу боис, аксар талабалар ашуланинг маъноси ва моҳиятини ҳар ҳолда тез тушунадилар ва сўзда ифода этадилар. Эҳтимол, созандаликка нисбатан хонандаликда ўқишни истовчи ёшларнинг кўпчилигига асосий сабаб ҳам шудир. Шунинг афсус билан қайд этиш керакки, бугунги кунда овози, иқтидори, анъанавий хонандалик талабига тўла жавоб бера оладиган ёшларимиз унча ҳам кўп эмасга ўхшайди, назаримда.



Ю.Ражабий мақом ансамбли билан

Узоқ йиллик тажрибаларимиз овози анъанавий хонандаликка мос бўлмаган ёшларни ҳам анъанавий ижро қобилигида шаклланиб бораётган ёшларнинг овози сингари мумтоз ашулачиликка йўналтириш мумкинлигини кўрсатди. Хўш, анъанавий ижрочиликка қандай овозларни йўналтириш осон кечади, умуман, бу соҳада таълим олишни хоҳловчи талабаларнинг овоз имконияти қандай талабларга жавоб бериши керак?

Балоғат ёшидан ўтиб, мутация даврини муваффақиятли ўтказган овозларни анъанавий хонандаликка тайёрлашда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

1. Овознинг садоси;
2. Табиий тарзда шаклланган хонандаликка хос унсурлар: овоз тебраниши, нола, қочирим ва ҳ.к.;
3. Хотира, зеҳн, иқтидор;
4. Куйга ва шеърга муносабат. Зеро, хонандаликка

қизиқувчи ёшларнинг барчасида ҳам қуй ва шеърға бўлган муносабат кўнгилдагидек бўлавермайди;

5. Ундаги нутқ.

Баъзи ёшларнинг нутқида дефектологик ёки фонетик нуқсонлар учраб туради. Бу нуқсонларни айрим ҳолларда турли машқлар ёрдамида тузатиш мумкин. Баъзи ҳолларда эса бу имконсиздир;

6. Таълимга қадар уларда шаклланган мусиқий идрок ва талқиннинг даражаси.

Булардан ташқари бўлғуси хонанда овозининг қай даражада эгилувчанлиги, тиниқлик даражаси, ижро жараёнида пардага муносабати, ўзини қай тарзда тутиши каби омиллар ҳам муҳимдир. Балоғатга етмаган мутация арафасидаги болалар ва қизларда юқорида зикр этилган ҳолатлардан ташқари қуйидагиларга эътиборни қаратиш керак.

1. Бола овозининг қай даражада чиниққанлиги. Болалар ва қизларда овоз тез чарчаб, ҳиррилаб қолиш ҳолати кўп учрайди. Бундай овозларга жуда эҳтиёткорона ёндашиш керак.

2. Овознинг ижро давридаги ҳолати. Баъзи болалар сўзларни талаффуз этишда унли товушларни бурун орқали садоантиради. Болаларнинг кўпчилигида товушни томоғини қисиб чиқариш ҳоллари ҳам мавжуд.

3. Бола овозидаги премар ҳудуд. Болаларда, айниқса, мутация даврида организмдаги анатомик ўзгаришлар оқибатида овозда сезиларли ўзгаришлар пайдо бўла бошлайди. Баъзи болаларнинг овози йўғонлашиб боради, баъзиларида эса ҳасталик пайдо бўлади. Бундай ҳолатларда ўқувчи овози билан ишлаш жараёнида унинг овозидаги премар ҳудудга алоҳида эътибор бериш керак.

Мутация даврини ўтаётган болада учтадан бештагача нисбатан тиниқ садоантиувчи пардалар бўлади. Мана шу пардалар бола овозида премар ҳудуд

ҳисобланади. Овозни тарбиялашда қолган пардалардаги тиниқлик даражасини ана шу премар ҳудуддаги пардаларга яқинлаштиришга интилишимиз керак. Хонандаликка қабул қилинган бола овозидаги мазкур премар ҳудуд овознинг у ёки бу даражада шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.

Мутация даврининг ўзига хос томони шундаки, бу давр қиз болаларда ўғил болаларга нисбатан осон кечади. Яъни, мутацияда кўп ҳолларда қизларнинг овозида нисбатан ўзгариш камроқ бўлади, ҳатто ёшлигидаги овози мутация даври ўтгач ҳам деярли ўзгаришсиз қолиши мумкин. Демак, қиз боланинг овози билан мутация даврида ишлаш нисбатан анча осондир. Аммо, овозга нисбатан талаб ва масъулият ўғил болага ҳам, қиз болага ҳам ҳар қандай ҳолатда бир хилда бўлиши шарт деб ўйлаймиз.


Ўғил болалардаги мутациянинг хавотирли бир ҳолати бор. Мутациядан кейин боланинг овози қандай шаклга келишини олдиндан башорат қилишнинг деярли иложи йўқ. Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, қадим замонларда устозлар балоғатга етмаган болани хонандаликдан шогирдликка қабул қилишмаган.

Ўқувчи овозини анъанавий хонандаликка мослаштиришда ундаги табиий садога имкон қадар путур етказмаслик талаб этилади.


Ҳар қандай овознинг ўзига хос яхши шаклланган, айни вақтда ҳали шаклланмаган тарафлари бўлиб, улар шубҳасиз маълум парда ва оҳангларда ўз ифодасини топади. Овоз билан ишлаётган ўқитувчи асосан яхши шаклланган, нисбатан тиниқ овоз регистрига алоҳида эътибор бериши, овоздаги қолган пардалар тиниқлигини ана шу шаклланган пардалар даражасига яқинлаштиришга интилиши мақсадга мувофиқдир. Талаба овозига хос яна бир хусусият, таъбир жоиз бўлса, мураккаблик шундаки, бу

овозларда биз диёримизда мавжуд хилма-хил анъанавий ижро йўналишларининг таъсирига дуч келамиз. Овоз билан ишлаш жараёнида бу фактор жуда муҳим аҳамият касб этади. Чунки, талаба овозидаги бу хусусиятни имкон қадар бойитиб, айнаи вақтда ўзи тарбияланган ижро йўналишини ҳам ривожлантириб бориш овоз тарбиясининг энг зарур омилларидан биридир. Хонанда овозини бу йусинда тарбиялаш, чиниқтириб бориш унинг маънавий ва ахлоқий баркамол бўлишини ҳам таъминлайди.


Ҳар бир устознинг улуг мақсади ўзи тарбиялаётган ўқувчининг салоҳияти, ижровий маҳорати ёрдамида мумтоз анъанавий ижро мактабларини тиклаш, ривожлантириш ва янги ижровий йўналишларни кашф этишдир. Бу олий мақсадларни амалга оширишда ўқувчига анъанавий хонандаликнинг энг мукаммал илғор ижровий намуналарини эшиттириш, эшиттирганда ҳам унинг шаклланиб келаётган тафаккурига кучли таъсир этадиган даражада эшиттириш, ҳар бир дарсада, ҳар кун, ҳар соатда ана шундай ижроларни тинглашда талабада эҳтиёж пайдо қила оладиган даражада эшиттириш лозим. Ижрони тинглаш жараёнида, уни тинглаб бўлгач асар моҳияти ва маъносини оддий суҳбат тарзида очиб бериш, яъни, кўпроқ асар ҳақида талабанинг фикрини тинглаб, уни тўлдириб бориш дарсининг сифатини оширади. Ўқувчида эшиттириляётган асар ижросига нисбатан қизиқишнинг кучайиб боришига олиб келади. Мусиқа тинглашни туғри йўлга қўйилиши талабаларда анъанавий хонандаликка бўлган қизиқишнинг кучайишини таъминлайди. Талаб ижрога ва ижро этаётган хонандага нисбатан қалбан ва руҳан интилади. Бу интилиш ўз навбатида бўлғуси хонанда юрагида анъанавий хонандаликка ва унинг бетакрор вакилларига нисбатан муҳаббат пайдо қилади. Муҳаббат эса талабада ўз соҳасига




Костоабдоминал нафас турида нафас аппаратининг ҳолати. Нафас чиқаришдаги ҳолат асосий чизиқлар билан, нафас олишдаги ҳолат эса узилган чизиқлар билан белгиланади. 1-упка; 2-юрак; 3-нафас чиқарган ҳолатдаги диафрагманинг кўриниши; 4-нафас олиш ҳолатидаги диафрагма кўриниши; 5-нафас чиқарган ҳолатдаги кўкрак қафаси; 6-нафас олиш ҳолатидаги кўкрак қафаси; 7-нафас чиқарган ҳолатдаги қорин девори; 8-нафас олиш ҳолатидаги қорин девори.



а) овоз ҳолатдаги тешикчасининг тинч кўриниши; б) овоз тешикчасининг товуш чиқаётганлаги кўриниши; с) овоз бойламларининг оғиз бушлигидан кўриниши.



Хиққилдоқнинг тинч ҳолатдаги қуриниши.
 1-хиққилдоққа кириш ва унинг бойлам усти бушлиғи (очиқ ҳолати),
 2-сохта овоз бойламлари,
 3-Морган қоринчаси (очиқ ҳолати),
 4-чин овоз бойлам (бушашган ҳолати).



А) Овоз апаратининг тебрантирувчи бушлиқлари схемаси;
 В) бурун ва бурун ён бушлиқлари проекцияси. Бўялгани тебрантирувчи бушлиқлар ҳажмини узгартирмайди, бўялмаганлари эса ҳажмини узгартариш хусусиятига эга.
 1-хиққилдоқнинг бойлам усти бушлиғи; 2-ҳалқум бушлиғи;
 3-оғиз бушлиғи; 4-бурун ҳалқум бушлиғи;
 5-асосий суюк бушлиғи; 6-пешона бушлиғи; 7-бурун бушлиғи;
 8-Гаймор бушлиғи; 9-трахея;
 10-ирик бронхлар; 11-галвирсимон лабирин бушлиғи;
 12-бурун бушлиғи юқори қисмининг тешиги.

нисбатан эътиқодни шакллантира бошлайди. Зеро, замондошлари ва марҳум устоз ижрочилар санъатига бефарқ бўлмаган хонандагина ижрочилигимиз анъаналарини тиклашга қодир.

Ўзига хос услуб яратишда овоздаги бетакрорлик хусусиятини сақлаб қолиш энг тўғри йўлдир. Маълумки, одамлар вужудида мавжуд бирор-бир аъзо ёки бирор модда бир-бирини айнан такрорламайди. Демак, дунёдаги барча одамларнинг қуриниши, феъл атвори, ақл идроки, дунёқараши, тузилиши бир-бирига айнан ёки умуман ўхшамайди. Инсон бир-бирини такрорламайдиган хилқатдир. Одамларнинг овози ҳам бир-бирига умуман ёки деярли ўхшамайди. Айтиш мумкинки, ер юзида қанча одам бўлса шунча овоз ҳам бор.

Анъанавий хонандаликнинг улуғ вакиллари Ота Жалол Назиров, Усто Шоди Азизов, Ҳожихон Болтаев, Мадраҳим Шерозий (Ёқубов), Мамадбува Сатторов, Расулқори Мамадалиев, Муроджон Аҳмедовлар томонидан яратилган ёки тарғиб қилинган ижровий йўналишларнинг умрбоқий бўлишида уларнинг овозидаги ўзига хослик, бетакрорликнинг аҳамияти жуда катта. Демак, биз ҳам талабалар овозидаги фақат ўша овозгагина сингдирилган хусусиятларга алоҳида эътибор беришимиз лозим.

Талаба ўзининг овоз имкониятларини яхши билмаганлиги туфайли, илк бор куйлашга жазм этаркан кимгадир тақлид этади, албатта. Табиийки, дарс жараёнида биз талабани тақлиддан олиб қочишга ҳаракат қиламиз. Тақлид бу қандай ҳолат? Албатта, тақлид овозни бирор-бир машҳур хонандага ўхшатиш демакдир. Бу жараёнда талабанинг оғиз очишида, лаб ҳаракатларида, қуринишида, ундаги асл ҳолатга зид томонларини учратамиз. Бунинг оқибатида овознинг юқори регистларини(овознинг маълум қисмидаги пардаларнинг умумий сони унинг регистри дейилади.

Овозда қуйи, ўрта ва юқори регистрлар мавжуд) ишлатиш пайтида ўқувчи қизаради, бўйин томирлари бўртиб чиқади; паст пардаларда куйлаганда овоз кучсизланади, баъзан кекирдагини шишириш ва томоғини қисиш оқибатида нотабийй ва ҳатто ёқимсиз садолар пайдо бўлади. Эътироф этиш керакки, талаба ўзидаги бу камчиликларни сезмайди. Ўзи билган, ўрганган асарларни завқ билан куйлайди. Ижросидан ўзида мамнунлик сезади.


Биз талабага дастлабки дарсларда тақлиднинг оғир оқибатлари ҳақида эмас, балки талаба овозидаги яхши фазилатлар ҳақида кўпроқ гапиришимиз лозим. Шу йўл билан талабани тақлиддан воз кечиш жараёнига аста-секинлик билан олиб кириш мақсадга мувофиқдир. Талабаларнинг ҳатто ўз ўқитувчиларига мунтазам равишда тақлид қилишлари ҳам унча дуруст эмас.

Талабани тақлиддан қутқаришнинг яна бир йўли унда ўз овозига нисбатан ишонч пайдо қилаолишдир. Агар талабанинг овозида, шевасида, ўзи тақлид қиладиган хонандага ўхшашлик бўлса, уни бу тақлиддан қутқариш жуда қийин кечади. Айтайлик, Бухоронинг Қорақул, Олот туманининг шеваси Хоразм диалектига яқин. Шунинг учун ҳам бу туманларда истиқомат қилувчи ҳаваскор хонандалар ижроларида Хоразм анъанавий хонандалигининг таъсири ўта кучли. Сурхондарё, Қашқадарё воҳаси аҳолисининг баъзилари туркманларга яқинлиги, баъзи аҳоли қатламининг Тожикистон ҳудудига яқинлиги, уша жойларда мавжуд ёш хонандалар шеваси ва ижросига ўз таъсирини кўрсатади. Шунингдек мазкур сарҳадларда Хоразм, Бухоро, Тошкент-Фарғона анъанавий хонандалигининг таъсири ҳам кучли бўлади, албатта. Табиийки, бундай таъсирларни умуман йўқотиш имконсиздир. Уни фақат тўғри ривожлантириш ва йўнаттириш билан талабани мақом ижрочилигига олиб кириш мақсадга мувофиқдир.

Мумтоз миллий ашулалар ижрочилигига танланган талабалар овозининг тўғри шаклланиши ва садоланишида асосан икки нарса муҳимдир, назаримизда. Булар нафас ва талаффуздир.

Овознинг табиий ҳолини сақловчи, уни тақлиднинг зарарли оқибатларидан қутқазувчи яна бир муҳим омил талабага унли ва ундош товушларни анъанавий хонандалик қоидалари асосида талаффуз этишни ўргатишдир. Бу жараёнда лаб, ластки жағ, тил, юмшоқ танглай, қаттиқ танглай, тилчак ҳаракатларидан тўғри ва унумли фойдаланиш, овознинг муътадил садоланишини таъминлайди. Овоз шакллантирувчи барча омилларнинг фаолиятини талабага ҳар бир дасрда ўқтириб бориш керак. Чунки резонатордан тўғри фойдаланиш (овоз чиқаришда ишлатилувчи барча аъзолар — резонатордир. Резонатор лотинча резон — садоланувчи маъносида) овозни ёйилиб кетмаслигига имкон беради. Нафас ҳаракатини тўғри йўлга қўйиш ва ундан унумли фойдаланиш, айниқса, овоз гигиенасига мунтазам амал қилиш талаба овозининг бекамикўст шаклланишни таъминлайди. Анъанавий хонандаликда овоз танлаётганда яна бир жиҳатга эътибор бериш керак. Баъзи талабаларнинг овозларида тиниқликдан кўра хасталик кўпроқ сезилади. Бу хасталикда катта бир мунг яширингандай бўлади, гўё. Бундай овозли талабаларни ҳам анъанавий хонандаликка қабул қилса бўлаверади.

Одатда ўқувчида шаклланган шевани тузатишда уни адабий тил мезонларига яқинлаштириш муҳимдир. Бу борада ибратли мисоллар анчагина. Айтайлик, Ўзбекистон халқ аргисти Коммуна Исмоилова Хоразм анъанавий ижрочилик муҳитида тарбияланган. Тинимсиз меҳнат қилиш оқибатида бу машҳур хонанда шундай бир ижровий услуб яратдики, уни тинглаган ҳар қандай одам хонанданинг Хоразмда



вояга етганига эътибор ҳам бермайди. Шинаванда қаерда яшашидан қатъи назар хонанданинг ижросидан бир хил завқланади. Аммо, уни диққат билан тинглаган зукко шинаванда хонанданинг ижросида Хоразм ижрочилик шеvasи таъсирини сезиши мумкин. Бироқ, бу таъсир Коммуна Исмоилованинг янги анъанавий ижрочилик мактабини яратишига халақит бермаган, аксинча уни бойитган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, умуман машҳур хонандалар мақом ва мақом йўлидаги ашулаларни ижро этишда шеърий матндаги ҳар бир сўзни қалам тили, аруз қоидаларига яқин тарзда талаффуз этишга интиланган. Сўзларни тўғри талаффуз этиш хонандадан ўзбек тилидан ташқари форс ва араб тилларидан хабардор бўлишини талаб этади.

Ўзбек анъанавий хонандалигининг ривожидида юқорида зикр этганимиздек ҳофизаларимизнинг ҳиссаси ҳам улкандир. Улар овозидаги ўзига хослик асносида, ёш қизлар овозини тарбиялаш айна муддао. Биз бўлгуси хонанда қизларимизнинг овозида ва хонишларида Коммуна Исмоиловадаги мунг, Назира Юсуповадаги шиддат, Саодат Қобуловадаги равонлик, Берга Давидовадаги ноёб қочиримлардан яралган гоҳ маҳзун, гоҳ шодон кайфият бахш этувчи, тингловчи руҳиятига ҳукмронлик қила оладиган дард аталмиш неъматнинг қайта шаклланиши ва янгилинишини истардик.

Умуман, ўзбек анъанавий ижрочилигида хилма-хил овоз йўналиши анчагина. Биз ушбу кичик тадқиқотда анъанавий ҳофизлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб талабалар овозини мана шу соҳага йўналтириш услуби ҳақида тўхталмоқчимиз.

НАФАС – ҚЎШИҚ КУЙЛАШНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ ВА ПОЙДЕВОРИ

Нафаснинг бурун орқали ўпкага олиниши барчага маълум. Инсон бажарадиган мушғулоти ва соҳасига кўра турлича тарзда нафас олади. Шу боис, нафас ҳаракати: унинг олиниш ва чиқарилиши ажодларимиз томонидан ўзига хос тарзда хилма-хил талқин этилган.

Полвонларга устозлари нафасни ўпка ёрдамида жигарга тўплаб, кейин бошқа аъзоларга йўналтиришни тавсия этган. Нафаснинг бундай ҳаракати киши танасидаги барча аъзоларни тоза ҳаво (кислород)га тўйинтирилишига ишонилган. Нафасни ичкаридан(ич-ичдан) чиқариш кераклиги ҳам алоҳида таъкидланган.

Сурнайчилардаги нафас ҳаракати янада қизиқроқ ва мураккаброқ. Улар куй чалишдан олдин ўпкани тўлдириб нафас оладилар, олинган нафаснинг маълум қисмини лунжларига тўплайдилар. Ижро давомида бир вақтнинг ўзида ҳам нафас оладилар, ҳам куйнинг узлуксизлигини таъминлаш учун лунжларида тўпланган нафасни сурнайга йўналтирадилар. Бу ҳолатни сурнайчилар «нафас» ёки «дам қайтариш» деб атайдилар.

Хонандаликда ҳам нафас ҳаракатининг ўзига хос турлари мавжуд.

Умуман, нафас ҳаракати ўз табиати ва вазифасига кўра иккига бўлинади: табиий нафас ҳаракати, нотабиий нафас ҳаракати. Нафаснинг табиий ҳаракати инсон организмни кислород билан таъминлайди ва соғлом қилади. Юриш-туриши, суҳбатлашиши, турли жисмоний ишларни бажариш даврида нафас олиб-чиқариш бу нафаснинг табиий ҳаракатидир. Нафаснинг нотабиий, яъни сунъий ҳаракати эса маълум бир мақсадга йўналтирилади. Айтайлик,

ифодали ўқиш, қўшиқ куйлаш, ҳис-ҳаяжонни изҳор этиш ва ҳ.к. Нафас ҳаракатининг мана шу иккинчи куриниши шубҳасиз хонандаларга ҳам тегишли. Бўлғуси хонанда нафасни чиройли овоз чиқариш ва куйлашга сарфлаш йўлларини узоқ йиллар давомида ўрганиб, ўзлаштириш бориши лозим. Нафасдан тўғри, унумли фойдаланиш ҳар бир хонандадан алоҳида тажриба ва маҳорат талаб этади. *Нафас ҳаракатидан тўғри ва унумли фойдаланиш моҳиятан куйлаш санъати билан тенгдир.* Қўшиқ айтиш вақтида овоз тўғри шаклланишини таъминловчи барча аъзоларнинг анъанавий хонандалик талаби асосида ҳаракат қилиши бевосита ва билвосита нафас ҳаракати билан боғлиқ. Демак, овоз шакллантирув аппаратини ташкил этувчи ҳалқум, тил, пастки жағ, лаблар, нафаснинг тўғри йўналишини бошқаради, аксар ҳолларда ўзлари ҳам нафасга бўйсундирилади. Шундай экан, нафас деб аталувчи бу нодир неъматга ижрони бадий жиҳатдан бойитувчи, юксалтирувчи асосий омиллардан бири деб қарашимиз керак. Ҳеч иккиланмасдан нафасни хонанда овозининг «музроби», «камони» дейишимиз мумкин.

Нафас ҳаракати одамларда, жумладан, хонандаларда турлича амалга оширилади. Нафас ҳаракатининг инсон вужудига ва руҳига таъсири унинг жисмоний қуввати, соғломлик даражаси, ҳаёт тарзи, меҳнат шароити, феъли, ҳатто, кийинишига қараб турлича содир этилади. Бу ҳолат, нафаснинг турли ҳолатда ҳаракатланишини нутқ ва куйлаш маданиятининг ранг-баранглигини таъминловчи омилга айлантиради. Хонандаликда нафас ҳаракати овознинг у ёки бу даражада садоланишини таъминловчи воситаларнинг биридир. Нафас ҳаракати ва хонанда овозининг куйчанлик даражаси, садоланишига қараб, устозлар овозни 3 турга бўлганлар. Овозларни бир-биридан фарқлашда нафас

ҳаракатининг аҳамияти ҳам устозлар назаридан четда қолмаган, албатта. Уларнинг таъбирича, овознинг турлари куйидагилардир:

1. Томоғ овоз (гуллиги). Бу овоз бойламларини зўриқтириш, ҳалқумни сиқиш, тилчакни юқори танглайга қаттиқ ёпиштириш оқибатида ҳосил қилинади. Ўз навбатида нафас ҳалқумдан сиқиб чиқарилади. Нафас ҳаракатида равонлик, эркинлик йўқолади. Қўшиқ айтиш вақтида хонанданинг елкалари кўтарилиб, томоқни икки томонидан сиқади. Афсуски бундай ҳолат талабаларда ҳам учрайди.

2. Кўкрак овоз (синаги). Куйлаш жараёнида кўкрак қафаси мушакларига кўп куч берилади. Хонандада кўкрак қафасининг доимий кўтарилиб туриши кузатилади. Бу ҳолат ҳам талабалар орасида кенг тарқалган. Қиз болаларда кўкрак қафасининг ўрта ва юқори қисми мушакларининг зўриқиши кўпроқ кузатилади. Эътироф этиш керакки, куйлаш вақтида кўкрак қафасининг доимий кўтарилиши хонанда овозини тез толиқтириши мумкин. Бундай ижрода диафрагма кам ҳаракат қилади.

3. Қорин овоз (шиками ёки ишками). Эски устозларнинг ўз шогирдларига куйлаётганда нафасни ўпка ёрдамида қовурға билан олиш керак деганларини кўп эшитганмиз. Бу жараёнда ўпканинг пастки қисми ҳаво билан тўлдирилади. Оқибатда пастки қовурғалар кенгайиб диафрагманинг фаол ва тўлиқ ҳаракатига имкон яратилади. Қорин бўшлиғи мушаклари ҳаракатга келади. Овознинг бундай садолантирилиши унинг табиий хусусиятларини ёрқинроқ намоён этади. Болаларда қорин овози деярли учрамайди. Улар балоғатга етгандагина овозларини ана шу йўсинда тарбиялаш мумкин бўлади. Талабада қорин овозининг шаклланиши унда тўғри ва равон нафас ҳаракатини таъминлаш билан бирга куйлашда жуда кўп қулайликлар ярадади.

Нафас олиш

Куйлаш – нафас олишдан бошланади. Демак ўқувчи кўшиқ куйлаш, овозни чиниқтирувчи ва тиниқтирувчи машқлардан олдин нафас олади, бироқ бу жараёнда нафасни тўғри олиш ўта муҳимдир. Тўғри нафас олиш жараёнида куйидаги ҳолатларга ўқитувчи қаттиқ эътибор бериши лозим: 1. Нафасни оҳиста олиш, 2. Нафас олганда елкалар кутарилмаслиги шарт, 3. Нафасни шиддат(куч) билан олмаслик, 4. Нафас олганда талаба ўзини нимадандир лаззатлангандай ҳис этиши. Масалан, мушк ёки гул ҳидлаганда, ҳис-ҳаяжонини изҳор қилганда содир бўладиган нафас олиш жараёни асос қилиб олиниши мумкин. Устозлар таъбири билан айтганда, хонанда нафақат кўшиқни дилдан чиқариши, балки нафасни ҳам қалбдан, қалб тубидан олишга ўргатиб борилиши керак, 5. Нимадандир енгил сесканганда олинадиган қисқа нафас. Буни устозлар «ярим нафас» ёки «калта нафас» ҳам дейишган, 6. Нафасни шундай эркин ва оҳиста олиш керакки, у томоққа қаттиқ урилмасин. Томоқ йўлларида тўхтаб қолиб ёки сиқилиб, ортиқча шовқин пайдо қилмасин. Доимий тарзда куч билан нафас олишга урганса, талабанинг томоғи тез-тез қуриб қолиши мумкин. Ўз навбатида бу овозга ҳам ёмон таъсир этади.

Секин суръатда ижро этиладиган асарларда нафас асосан бурундан олинади. Тез суръатда ижро этиладиган асарларда эса нафас кун ҳолларда оғиздан олинади. Нафас олишни шакллантириш талаба овозининг тўғри садоланишида, кейинчалик, кўшиқ куйлашда бартараф этилиши қийин бўлган муаммоларнинг пайдо бўлмаслигига олиб келади. Талабанинг тўғри нафас олиши овоз шаклланишида иштирок этадиган аъзоларни яхлит тарзда ижрога тайёрлаш демакдир.

Нафас чиқариш

Маълумки, овознинг чўзими, кучи, нафислиги, садоси, олинган нафаснинг раvon ва тежамкорлик билан чиқарилишига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, куйлашда нафас чиқариш жараёни нафас олиш каби муҳимдир. Нафас чиқариш жараёни нафас олишдан кўра секин ва узоқ давом этади. Чунки, нафас олиш жараёнида ўпкада тўпланган ҳавони тежаб сарфлаш, куйланаётган асар жумлаларининг тугал ва пухталигини таъминлайди. Хонанда учун нафас билан ўпкани тўлдиришдан кўра уни моҳирлик билан тежаб сарфлаш муҳимроқдир. Нафас чиқариш жараёни овозни вужудга келтиради. Хонанда шу овоз билан куйлайди. Мусиқий асардаги ифодавий воситалар, миллий ижровий бўёқлар у ёки бу даражада сарфланаётган нафаснинг ҳаракати, кучи ёрдамида содир этилади; хонанда бу воситалар ёрдамида асарга сайқал беради. Халқимизда хонандаларга нисбатан «узун нафас», «калта нафас», «ширин нафас», «манзур нафас» деган иборалар мавжуд. Бу иборалар нафақат хонанданинг санъатига, балки унинг нафасига, аниқроғи нафас ишлатиш маҳоратига берилган баҳо бўлса ажаб эмас. Нафас олинганда ўпкага борадиган, чиқарганда ундан ихрож қилинадиган ҳаво ҳар икки ҳолатда ҳам талаба руҳига енгиллик бағишлай олиши керак. Талабанинг руҳи, вужуди нафас ҳаракатидан завқ-шавққа тўлсагина у яхши ижро эта олади. Демак, нафас олиш ва чиқариш ҳам овозни шакллантириш ва таратиш каби санъаткорона амалга оширилиши лозим. Нафас чиқариш ёрдамида ҳаракатланувчи мушаклар, томоқ ва овоз чиқарувчи бошқа аъзолар билан бевосита боғлиқлиги туфайли, талаба билан бажариладиган машқларда доимий тарзда фақат нафас чиқаришнинг ўзи билан шугулланиш тавсия этилмайди. Нафас

чиқариш жараёнига тегишли ҳар қандай машқлар овоз чиқариб бажарилиши шарт. Устодлар таъбири билан айтганда овоз бу рўмолчага ўралган ҳаво демакдир...

Нафас чиқаришнинг тўғри йўлга қўйилиши овоз тўқималарининг тўғри ҳаракатланишига олиб келади. Куйлаш жараёнида нафас табиийки овоз билан бирга чиқарилади. Куйнинг қисқа жумлаларида чуқур нафас олиш тавсия қилинмайди. Чунки бу жуда ноқулай бўлиб, нафас чиқариш жараёнига путур етказиши мумкин. Ўқувчини тез толиқтириб қўяди. Куйлаш ёки машқ жараёнида талабага нафас ҳаракатининг турли кўринишларидан унумли фойдаланишни ўргатиб бориш керак. Шундай қилинса, у ўз овози ва ижросида деярли ҳеч қандай муаммога дуч келмаслиги мумкин. Талабага доимий тарзда унинг овозидан чиққан садо нафас қай даражада тўғри ёки нотўғри олинаётганлиги ва чиқарилаётганлигига бевосита боғлиқ эканлигини уқтириб бориш лозим. Чунки, овоз – нафас ҳаракати ҳолатини белгилайди. Нафас эса овоз ҳолатини белгилай олмайди. Талаба билан дарс жараёнида нафас ҳаракати устида мунтазам иш олиб бориш, унинг овозини чиниқтиради, тўқималар ҳаракатини фаоллаштиради, овоз садосини тиниқлаштиради.

Нафас чиқараётган вақтда асосан диафрагма ҳаракати тезлашади ва қориннинг пастки қисми аста-секинлик билан ичкарига тортилади. Қизиғи шундаки, нафас чиқарганда унга тегишли барча мушаклар бўшашгани ҳолда диафрагма кенгаяди. Бу ҳолат ўз навбатида диафрагманинг нафас чиқариш жараёнидаги аҳамиятини кучайтиради. Овознинг садоси, тиниқлиги, эгилувчанлиги, нафаснинг тўғри, анъанавий хонандалик талаблари асосида чиқарилишига боғлиқ.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, баъзи талабаларда овоз нисбатан яхши шаклланган бўлиши мумкин. Бундай талабалар билан илк дарсадаёқ нафасга

алоҳида эътибор бериш уни зериктириб қўйиши мумкин. Чунки, ҳар бир талаба ўқишга қабул қилингунига қадар, кириш имтихонларидаёқ ўзининг ва бошқаларнинг овози ҳақида маълум тасаввурга эга бўлиб улгуради.

Хуллас, анъанавий хонандаликда нафасни тўғри олиш ва чиқариш, умуман нафас ҳаракатларини моҳирона амалга оширилишига эришиш овозда позициялар ўзгармаслиги, куйчанликни таъминлаш билан бирга содир бўлиши мумкин бўлган қўполлик, кескинлик каби ҳолатларнинг ҳам олдини олади.

Талаффуз

Талаффуз арабча «талаффаза» феълидан олинган бўлиб, «отмоқ» маъносини беради. Бунга далил сифатида куйидаги мисолни келтирамиз. Арабларда *акалту аттамрата ва лафазту аннавота* деган мақол бор. Бунинг маъноси ҳурмони едим ва данагини отиб юбордим демакдир. Мақолдаги *лафазту* калимаси-сўзи отдим, аниқроғи, оғиздан отдим маъносини билдиради.

Бизнинг тилимизда сўзни тўғри айтиш маъносида тўла ишлатиладиган бу калиманинг замиридаги «отиш», «отмоқ» маъноларига асосланиб, ашула ёки қўшиқ матнидаги ҳар бир сўз хонанда оғзидан отилиб чиқиши керак, деган хулоса чиқади. Фақат у, яъни, сўз хурмо данаги янглиғ ерга эмас, балки қалбга отилиши лозим.

Яқин-яқинларгача ҳам хонандага қўшиқ ёки ашула айтиб беринг дейилмасди. Хонанданинг санъатидан роҳатланган хушёр шинаванда унга, бир ғазал уқиб беринг, деб мурожаат қилар эди. Ҳозир ҳам баъзи шинавандалар ўзига нотаниш санъаткорнинг созанда ёки хонанда эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун *куй*

чаласизми ёки ашула ўқийсизми деб қўйишади. Ҳа, ҳақиқатдан ҳам хонанданинг маҳоратига баҳо беришда унинг овози, таъсирчан хониши билан бирга талаффузига, яъни, ҳар бир сўзни чертиб-чертиб дона-дор айтиш салоҳиятига ҳам эътибор берадиганлар анчагина.

Хуш, нима учун айнан ўқиб беринг дейилади? Ашула ёки ғазални айтиб беринг деса бўлади-ку. Манتيқ шундаки, ғазал шунчаки айтилмайди. Чунки, у оддий сўзлар йиғиндиси эмас, балки, иштибоҳлар, тазминлар ва шунга ўхшаш бадийий тўқималарнинг афсункор мажмуасидир. Демак, у дастлаб ёзувга қараб, ёд олингач эса кўнгилга қараб оғзаки тарзда ўқилади. Ҳатто шеърин тарзда ўқилганда ҳам ғазал ёки ашула матни шундай ифодалантирилиши керакки, ундаги ҳар бир сўз пухта ва аниқ талаффуз этилиши керак. Токи бу сўзларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида ва яхлит тарзда оғиздан отилиб чиқиб, шинаванда қалбидан жой олсин.

Қўшиқ — ашуланинг моҳиятини очиб беришда мусиқий ва адабий матн бир хил аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам дарсда ўтилатган мавзунинг ўқувчи наздида ёрқин ифода этилишида сўзларни тўғри талаффуз эттириш ўқитувчининг асосий вазифаларидан бўлмоғи лозим. Дарс жараёнида ўқувчи дастлаб ўзи ўрганган асарнинг қайси мақомга, аниқроғи, қайси мақом парда тузуги(лад)га яқинлиги айтилади. Сўнгра ўқувчи онгига мазкур парда тузугини сингдириш учун ўша оҳангга яқин куйлар асносида овоз машқлари ўтказилади. Машқлардан маълум даражада қаноат ҳосил қилинган, ўрганилатган асарнинг мусиқий ва бадийий матни таҳлил этилади. Таҳлилни мавзунинг шеърин матнидан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Дарс жараёнида мавзуга тегишли матнни талабага бир неча маротаба ўқитиш лозим. Талаба шеър ўқиётганда унинг сўздаги ҳарфлар ва бўғинларни тўғри талаффуз этиши қаттиқ назорат этилиши керак. Куп ҳолларда талабалар «ҳ» ни «х», «х» ни «ҳ» тарзида талаффуз этишга одатланган бўладилар.

Бундан ташқари баъзи талабаларда «а» товуши «э»га яқинроқ айтилади.

Маълумки, ўзбек тилида «и», «ў» товушлари икки хил бўлади. Бу товушларни оддий қилиб, узун «и» ёки қисқа «и», узун «ў» ёки қисқа «ў» деб ифодалаш ҳам мумкин. Юқорида зикр этилган барча иллатларни дарс давомида камайтириб бориш талаффузнинг тиниқлигини таъминлайди. Талабанинг нутқида унинг тилга бепарволиги ёки у мансуб шеванинг хусусиятлари зикр этилган товушларнинг чалкашлигига сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари баъзи ўқувчилар томонидан «р» товушини тахминан «д» товушига яқин айтиши, куйлаш жараёнида юқори пардаларда «н» товушини «л» товушига яқин айтилиши мавжуд. Тилдаги бу камчиликларни бартараф этиш учун талаба билан алоҳида машқлар қилиш талаб этилади. Машқларда «н» ва «р» товушлар иштирокидаги сўзларни кўпроқ куйлатиш талаб этилади. «С» ва «з» товушларини яхши талаффуз эта олмайдиган болалар ҳам учрайди. Бу иллатларни тилни қаттиқ танглай устига тўғри куйилиши, лаб ҳолатини тузатиш билан бартараф этиш мумкин. Бироқ, афсуски, аҳён-аҳёнда врач дефектолог хизматидан фойдаланишга ҳам тўғри келади.

Талаффузнинг чиройлилиги, тиниқлиги, бу унли ва ундош товушларнинг овозда тўғри ифода этилиши, товушларнинг оддий суҳбат ёки куйлаётгандаги тиниқ ифодаси, овознинг анъанавий хонандалик талаби қоидаларига биноан шаклланиши демакдир.

Анъанавий хонандаликнинг асосини ташкил этувчи мақом, мақом йўлидаги ашулаларнинг барчаси аруз вазнидаги ғазал, мураббаъ, мухаммас, мусалдас жанрларида ёзилган шеърин матнлар билан куйланади. Шу боис куйлаш жараёнида ушбу вазн талаблари ва қоидалари ҳам талаффузнинг шартли қонуни даражасига кўтарилиши керак деб ўйлаймиз.

Бугунги мумтоз анъанавий ижрода ғазал сўзларининг баъзиларини замонавий тилга кўчиришга интилиш ҳоллари учраб туради. Эҳтимол бу хайрли ишдир. Бироқ бундай урунишлар кўпинча вазн равонлигига, латифлигига ҳалал бергандай бўлади; шубҳасиз, ижро жараёнида ҳам баъзи ноқулайликлар ҳам пайдо қилади. Қуйидаги мисолларга эътибор беринг:

Қаро кўзим кел эй мардумлиғ, эмди фан қилғил,
Кўзим қаросиға мардум киби ватан қилғил.

Байтдаги «Қаро» сўзини «қора», «киби» сўзини «каби» деб куйлашади, баъзи хонандалар. Байт машҳур «Ушшоқ» ашуласидан олинган бўлиб, шоир, муаррих, тилшунос аллома Алишер Навоий қаламига мансуб. Қаро сўзининг қора тарзида ўқилиши қаро сўзидаги чўзимни маълум даражада қисқартиради. Бу биринчидан вазнга путур етказса, иккинчидан ашула ижросида ҳам маълум маънода оҳанг таъсирчанлигини пасайтиради. Устозлар мумтоз куйларга матн танлашда ғазал радифининг қайси товушда тугашига эътибор беришган. «И», «у», «о» товушлари билан тугалланувчи мисралар, радифлар, қофиялар, мумтоз ашула куйларига энг муносиби ҳисобланган. Эътироф этиш керакки, Навоий созандалик ва мусиқашунослик илмининг ҳам беназир билимдони бўлган. Демак, у ўз ғазалларида бирорта ҳарфдан ноўрин фойдаланмаган. Байтдаги «киби» сўзининг «каби» деб айтилиши ҳам аруз қондаларига хилофдай туйилади бизга.

Ёрдин ҳижрон чекар ушшоқ зор, эй дўстлар,
Неча тортай ҳажр учун йўқ менда ёр, эй дўстлар.

Бу байт ҳам Алишер Навоийнинг ижод маҳсулидан намуна. Ушбу байт билан бошланадиган ғазал «Сайқал», «Муғулчай Дугоҳ» номлари билан ўзбек

муסיқа оламида машҳур. Аксар хонандалар куйлаш жараёнида байтни қуйидагича талаффуз этадилар.

Ёридин ҳижрон чекар уш-шоқизор эй дўстлар,
Неча тортай ҳажр учун йўқ менда ёр эй дўстлар.

Ғазалдаги «ёрдин» сўзидаги «ё» ҳарфи икки маддали чўзимга эга. Демак, «ёрдин» сўзидаги «ё» ҳарфи таъсирида мазкур сўз уч бўғинли сўз тарзида келади. Моҳир сўз усталари «ёрдин» сўзидаги биринчи «ёр» бўғинининг «ё» ҳарфидаги икки маддага тенг чўзимида алоҳида бир ҳаяжон, аниқроғи изтироб, дардни ифода этишга ҳаракат қиладилар. «Ёрдин» сўзининг ўзидаёқ муножот қилгандай бўладилар, гўё. «Ёрдин» сўзининг «ёридин» деб ўқилиши аруз қондаларига хилоф бўлиши билан бирга юқорида зикр этилган ҳиссиётларнинг даражасига ҳам салбий таъсир этиши мумкин.

Талабага аруз вазнидаги ғазалларнинг шу ва шунга ўхшаган хислатларини доимий тарзда уқтириб бориш лозим. Бундай тушунтиришлар дарени мазмунли қилади. Талаба онгини чархлайди.

Биз анъанавий хонандалик фанидан таълим олаётган ўқувчилар ёнида икки нарсани доим бўлишини хоҳлардим. Бири кўзгу, бириси луғат. Кўзгу ташқи кўринишини назорат қилишга, овоз аппаратининг тўғри шакллантиришга ва ижро давомида ўзини бемалол, чиройли тутишга ўргатса, луғат унинг маънавий дунёсини бойитади, миллий қадриятларимизга яқинлаштиради.

Хонанда учун, умуман барча ижрочилар учун ўзбек тилидан ташқари форс ва араб тилларидаги сўзлардан кўпроқ хабардор бўлиб бориш шарт деб уйлаймиз. Чунки ўқувчи форс-араб тилларидаги сўзларни қанча кўп билса, шеърини матннинг моҳиятига шунча яқинлашади. Зеро, мумтоз ғазалиётдаги арузнинг

латиф садоланишида маъноларининг фасоҳат касб этишида ушбу тиллардан олинган сўзлар, баъзи ҳолларда жумлаларнинг таъсири беқиёсдир.

Дарс жараёнида талаффуз устида ишлашнинг энг тўғри йўли — ўқувчи шевасини ҳеч бўлмаганда куйлаётганда адабий тилга имкон қадар яқинлаштириш билан бирга эски ўзбек тилининг қоидалари ва нозикликларидан хабардор қилиш талаб этилади. Нутқнинг тиниқлиги ва таъсирчанлигига эришиш бўлғуси хонанда маҳоратининг ривожига асосий нуқталардан биридир. Бунга эришиш учун табалага дарс давомида кўпроқ ғазал ўқитишни маслаҳат берардик. Талабада мунтазам равишда рубойлар, фард, қитъалар ва ғазаллар ёдлашига эҳтиёж пайдо қилиш керак. Бу талаба хотирасини мустаҳкамлайди, зеҳнини ўткирлаштиради ва унинг ҳофизасини ўзига хос тарзда шакллантиради.

Халқимиз ўткир зеҳдли, билимдон, қувваи ҳофизаси пишиқ хонандаларни «ўткирнафас» ёки нафаси ўткир деб эътироф этган. Биз ўқитувчиларнинг ҳам бутун илмий ва ижодий фаолиятимиз талабанинг «ўткир нафас» бўлишини таъминлашга қаратилиши лозим.

Унли товушлар

Маълумки, тилимиздаги товушлар асосан иккига: унли ва ундош товушларга бўлинади. Сўзнинг шаклланишида товушларнинг ҳар икки тури ҳам муҳимдир. Бироқ анъанавий хонандаликда ишлатиладиган барча мусиқий безаклар ва ифодалар асосан унли товушлар ёрдамида ҳосил қилинади. Унли товушларнинг тўғри айтилиши ижро этилаётган қўшиқнинг таъсирчанлиги, куйчанлиги, тиниқлиги ва оҳанглар софлигини таъминлайди. Шу боис унли товушларни тўғри талаффуз этишни таъминловчи қоидаларни талаба пухта ўзлаштириши керак. Куйлаш

жараёнида уларнинг тўғри ва аниқ талаффуз этилишида овозни шакллантирувчи аъзоларнинг ҳолати тахминан қуйидагича:

«а» товуши. Ушбу товушни шакллантиришда оғиз каттароқ очилади. Овоз аппарати деярли ўзгаришсиз(табiiй) қолади. Оғиз бўшлиғи орқали овозни кенг ва чиройли садоланишида «а» товушининг аҳамияти беқиёс.

«о» товуши. Лаблар «а» товушига нисбатан думалоқроқ ҳолатга келтирилади. О товушини садолантиришда хаёлан «у»нинг садоланишини ўйлаб туриб, лабларни сезилар-сезилмас даражада «у» товуши ҳолатига яқинлаштириши тавсия этилади. О товуши куйланаётганда овознинг йиғиқлигига ҳаракат қилиш керак. Яъни овоз ёйилиб кетмаслигига эришиш керак. «А» ва «о» унли товушлари машқ жараёнида юқори пардаларга қийналмасдан кўтарилишига ёрдам беради, юмшоқ танглайнинг кўтарилишини таъминлайди. Мазкур товушлар ижросида овозни ўта очиқ ёки бўғиқ, яъни томоқдан чиқариш тавсия этилмайди.

«у» товуши. Ушбу товуш куйланганда лаб бошқа товушлар ҳолатига нисбатан кўпроқ чўзилади. Оғиз кичикроқ очилади. Ҳалқум ва оғиз бўшлиғи кенгайиб юмшоқ танглай кўтарилади. Умуман «у» товуши қай тарзда айтилса ҳам овозга унча таъсир етказмайди. Бироқ куйлаш вақтида талаффуз тозаллигига эришиш учун «у» ҳарфининг аҳамияти беқиёсдир.

«ў» товуши. Лаб мушакларининг «у» ҳолатига нисбатан бир мунча бўшаштирилади. Пастки жағ бошқа ҳарфлар ҳолатига нисбатан туширилади, юмшоқ танглай ўзининг табiiй ҳолида қолади. Ушбу товуш ёрдамида самарали машқлар ўтказилса, нафаснинг овоз билан бирга оғиз бўшлиғи ва бурун орқали ҳаракатни кучайтириш, ёки сусайтириш мумкин. Юқори пардаларда «ў» «о»га яқин садоланади.

